

**2011-5**

**Ходим меҳнат шартномасини бекор қилиниши ҳақида ёзма равишда (имзо чектириб) огоҳлантирилганлиги тўғрисида далил бўлмаган тақдирда ҳам иш берувчи ходимнинг белгиланган муддатда огоҳлантириш билан таништирилгани, лекин ходим имзо қўйишдан бош тортгани ҳақида ишонарли далиллар келтирса, суд ходимни ўз вақтида меҳнат шартномасининг бекор қилиниши тўғрисида огоҳлантирилган деб топиши мумкин.**

Н.Алберганова Давлат акциядорлик темир йўл компанияси шифохонасига нисбатан ишга тиклаш ҳақидаги даъво билан судга мурожаат қилган.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг 2011 йил 28 апрелдаги ҳал қилув қарори билан Н.Алберганованинг даъво талаби рад қилинган. Вилоят суди апелляция инстанциясининг 2011 йил 7 июндаги ажрими билан туманлараро судининг ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъвони қаноатлантириш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Қуйидаги асосларга кўра, Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2011 йил 12 сентябрдаги ажрими билан вилоят суди апелляция инстанциясининг ажрими бекор қилиниб, туманлараро судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Меҳнат кодексининг 102-моддасига кўра, иш берувчи меҳнат шартномасини бекор қилиш нияти ҳақида меҳнат шартномаси технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятларининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корxonанинг тугатилганлиги муносабати билан, шунингдек, ходимнинг пенсия ёшига тўлганлиги

муносабати билан, қонун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи мавжуд бўлган тақдирда (100-модданинг 2-қисми 7-банди) камида икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириши шарт.

Аниқланишича, шифохона бош шифокорининг 2011 йил 1 апрелдаги буйруғига асосан Н.Алберганова билан тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 7-бандига асосан бекор қилинган.

Апелляция инстанцияси суди ҳал қилув қарорини бекор қилиб, даъвони қаноатлантириш ҳақида хулосага келишда, Н.Алберганова ишдан бўшатиш ҳақида белгиланган тартибда огоҳлантирилмаганлиги, касаба уюшмаси қўмитаси йиғилиши ноқонуний ўтказилганлиги ва меҳнат шартномасини бекор қилишга розилик бериш ҳақидаги тақдимнома судга тақдим этилмаганлигига асосланган.

Олий суд Пленуми **“Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланилиши ҳақида”**ги қарорининг 17-банди 4-хатбошига кўра, огоҳлантиришда ходимнинг имзоси бўлмаган тақдирда ҳам иш берувчи ходимни белгиланган муддатда огоҳлантириш билан таништирилганлиги, лекин ходим имзо қўйишдан бош тортганлиги ҳақида ишонарли далиллар келтирса, суд ходимни ўз вақтида меҳнат шартномасининг бекор қилиниши тўғрисида огоҳлантирилган деб топиши мумкин.

Н.Алберганова 2011 йил 22 январда Меҳнат кодекси 100-моддаси 2-қисмининг 7-бандига асосан, меҳнат шартномаси 2011 йил 1 апрелдан бошлаб бекор қилиниши ҳақида огоҳлантириш хати билан таништирилган, бироқ у огоҳлантириш хатига имзо қўйишдан бош тортганлиги сабабли шифохонанинг уч нафар ходимлари иштирокида далолатнома тузилган.

Шунингдек, Н.Алберганова 2011 йил 11 мартда белгиланган касаба уюшмаси қўмитасининг меҳнат шартномасини бекор қилиш масаласи

қайтадан кўриладиган мажлисига чақирилганлиги ҳақидаги хат билан танишган, бироқ уни олишдан бош тортган. Йиғилишда темир йўл шифохонасининг у ва бошқа ходимлар билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги тақдимномаси муҳокама қилинган.

***ФСХ-328-11-сонли ажрим***